



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 168 (9.971)

2003 ЙИЛ 27 АВГУСТ

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн икки йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маънавият ва маърифат, санъат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Тошкент шахридан, куйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқаро миқёсда унинг нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, ўзининг ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт ва бошқа ижтимоий соҳалардаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун куйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»

Алиқулов Алишер Маҳмудович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

«Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»

Солиҳов Рустамхон Собирович — Ўзбекистон Фанлар академияси Биокимё институти лаборатория мудири

«Ўзбекистон ифтихори» Крушевский Сергей Александрович — Марказий ҳарбий спорт клуби ҳарбий хизматчиси

Левина Татьяна Борисовна — Давлат спорт кўмитасининг гребля бўйича спортчи-йўриқчиси

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»

Бойхонова Зулайхо Мамажоновна — Муқимий номидаги Ўзбек давлат музыка театри актёри

Исмоилова Дилбар Обидовна — Аброр Ҳидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театри актёри

Носиров Элёр Расулович — Аброр Ҳидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театри актёри

«Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»

Миртожиев Жалолиддин Турсунович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош

Нуриддинов Акмал Ваҳобжонович (Акмал Нур) — Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, рангтасвирчи
(Давоми 2-3-бетларда).

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн иккинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 2003 йил 29 август куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатиغا

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати 28 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатиغا

Олий Мажлисида 27 август куни соат 15.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси ва «Миллий тиклиниш» демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 27 август куни соат 16.00 да бўлади.

Олий Мажлисида 28 август куни соат 15.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоқи, «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоқи йиғилишлари ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни ва хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлат активларини реал мулкдорларга сотиш, шунингдек ушбу корхоналарни замонавийлаштириш ва барқарор ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш мақсадида Вази́рлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидагилар:

паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш тўғрисидаги Низом; хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлат активлари бошланғич нарҳини босқичма-босқич пасайтириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

2. Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси (Р.С. Азимов)га: инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан бепул бериладиган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари, паст ликвидли объектлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш; истисно ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси хулосасига кўра инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятларининг бажарилишини 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтириш ваколати берилсин.

(Давоми 3-бетда).

XXI сарфоси

Барча маъбарлардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи кеча якуновчи йиғилиш ўтказди.
- Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси «2003 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.
- Мамлакатимизга ташриф буюрган АКШ Қуроли кучлари Марказий кўмондонлиги бош кўмондонининг ўринбосари генерал Майкл Депонт бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан учрашди. Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда Афғонистонда барқарорликни мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди.
- Мамлакатимиз Мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида Бешарик туманида калава тайёрлашга ихтисослашган яна бир улкан кўшма корхона иш бошлади. «Бештекс» Ўзбекистон-Германия-Туркия кўшма корхонасига 25 миллион евро миқдорда инвестиция жалб этилиб, у Германияда ишлаб чиқарилган замонавий технология билан жиҳозланди.
- Истиклол байрами арафасида Шофиркон туманининг Боғиғазал қишлоғида янги спорт мажмуи фойдаланишга топширилди. Ҳозир унда 200 нафарга яқин бола тажрибали мураббий раҳбарлигида бокс билан шуғулланмоқда.
- «Лок колор синтез» Ўзбекистон-Швейцария-Нидерландия кўшма корхонаси ўз тармоғида юксак кўрсаткичларга эришгани учун «Олтин» тоифасидаги Халқаро сифат мукофоти билан тақдирланди.

Жаҳонда

- Бугун Пекинда АКШ, Россия, Жанубий ва Шимолий Корея, Япония ва Хитой вакиллари иштирокида Пхеньянининг ядровий дастури масаласини ҳал этиш учун олти томонлама музокаралар бошланди.
- Сўнгги маълумотларга қараганда Руандада бўлиб ўтган Президент сайловларида амалдаги Президент Пол Кагамей етакчилик қилмоқда.
- Хиндистоннинг молия маркази ҳисобланмиш Мумбай (илгариги Бомбей) шаҳрининг бир неча жойида кетма-кет бомба портлади. Натияжада кўплаб дўконлар, маъмурий бинолар вайронга айланди. Сўнгги маълумотларга қараганда ҳалок бўлганлар сонини 45 кишини, жароҳатланганлар эса 140 кишини ташкил этмоқда.
- Польшанинг Йроқдаги Карбалло шаҳрида жойлашган ҳарбий базаси ўққа тутилди. Ҳозирча ҳодиса сабаблари аниқланмоқда.
- Санкт-Петербургда йирки агро-саноат кўргазмаси очилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон**Республикаси халқ устаси**

Раҳматиллаев Сирожиддин Рихситиллаевич — «Усто» бирлашмаси ёғоч ўймаkori

Шукуров Собиржон Тўлаганович — «Устазода» халқ санъати усталари корхонаси нақшоши

Ўзбекистон**Республикаси халқ хофизиди**

Эркаев Али (Алижон Эркаев) — А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти доценти, хофиз

Ўзбекистон**Республикасида хизмат кўрсатган артист**

Аҳмаджонов Шукрулла — М.Қориев номидаги академик ва халқ бадий жамоалари дирекцияси созандаси (найчи)

Гафаров Руслан Раатович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера хонандаси

Жалолов Фотиҳ Ҳамидович — «Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси актёри

Жўрабоева Раъно Балтабоевна — «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси «Тановар» рақс ансамбли рақсчиси

Исмоилова Зарифа Ҳасановна — А.Қаҳҳор номидаги Республика сатира театри актёри

Карим Абдулазиз Сирожиддин Ёгли — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси, композитор

Луковникова Гульнора — Ўзбекистон рақс академик драма театри актёри

Маъсудов Фатхулло Хусанович — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Молдаханов Сейдулла Абдуллаевич — «Илҳом» театри актёри

Мухторова Мадина Саидзимова — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Тошпўлатов Худоёр — Республика Ёш томошабинлар театри актёри

Шалберкин Андрей Александрович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет солисти

Шомаърупов Абдулла Набиевич — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Нола» гуруҳи хонандаси

Ҳамидова Юлдуз Олимовна — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

Ўзбекистон**Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси**

Абдуллаев Ҳаётулла — «Устазода» халқ санъати усталари корхонаси ганч ўймаkori

Мусаилова Тамара Александровна — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби рақс ўқитувчиси

Норбоев Норали — Тошкент давлат аграр университетининг кафедра мудири

Покровский Борис Михайлович — Тошкент ахборот технологиялари университети ўқитувчиси

Расулов Абдуғафур Раҳимович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Рустамбеков Маратбек Юсупбекович — Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти

Тошпўлатов Марвар Муқодирович — Фан ва технологиялар маркази бўлим бошлиғи

Умарбекова Зухра Усмоновна — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти доценти

Ўзбекистон**Республикасида хизмат кўрсатган журналист**

Даминова Светлана Васильевна — «Ўзтелерадио» компанияси «Тошкент» телеканали катта муҳаррири

Зокиров Фуркат Шокирович — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» телеканали «Давр» дирекцияси директори

Мадатов Рўздат — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» телеканали бош дирекцияси катта муҳаррири

Мухаммаджонов Нўмонжон Орипович — «Халқ сўзи» газетаси фотомуҳбири

Раҳимов Абдусамат Эрназарович — «Маърифат» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Раҳматов Ўткир (Ўткир Раҳмат) — «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири

Тухватуллина Эльмира Акрамовна — «Ўзтелерадио» компанияси «Тошкент» телеканали катта муҳаррири

Хидиров Мурод (Мурод Хидир) — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бўлим муҳаррири

Ўзбекистон**Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор**

Номозов Шафоат Сатторович — Фанлар академияси умумий ва ноорганик кимё институтининг лаборатория мудири

Ўзбекистон**Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими**

Абдуғаниев Абдурасул — Тошкент шаҳар маданият ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Батиков Александр Андреевич — Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри бош рассоми

Мажидов Баҳром Жалилович — «Ўзбекдавлатцирк» бирлашмаси бадий раҳбари

Мухамедов Баҳодир Акбарович — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» телеканали «Давр» дирекцияси бош муҳаррири ўринбосари

Файзиев Ҳабибулла Обидович — «Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси постановквачи-режиссёри

Ҳодиев Искандар Раззоқович — «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти бўлим бошлиғи

Ҳайитбоев Шермат Ўринович — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти доценти, кўғирчоқ театри режиссёри

Халиков Игорь Якубович — «Ялла» ансамбли продюссери

Худойбергандов Рустам Одамбоевич — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

Шодиев Болтабой Авазович — Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси котибиятининг байрам ва юбилей танталарини ўтказиш бўйича бош мутахассиси

Йўлдошева Муаззам Адҳамовна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бўлим бошлиғи

Ёрмухамедов Ўткир Ҳожиёвич — «Шаҳидлар хотираси» жамғармаси ижрочи директори, музейшуно

Ўзбекистон**Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими**

Подпоренко Алиса Дмитриевна — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти клиникаси бош шифокори

Солиев Тўхтасин Солиёвич — Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтининг кафедра мудири

Тошматов Баҳодир Абдураҳимович — Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтининг кафедра мудири

Усмонова Гулираъно Маллабоевна — Тошкент педиатрия тиббиёт институти доценти, клиника бош шифокори ўринбосари

Ҳожибоев Абдуҳаким Мўминович — Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий маркази бош директори

Ўзбекистон**Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози**

Малкина Анэля Андреевна — Республика ўсмирлар спорт мактабининг Бадий гимнастика бўйича мураббий-ўқитувчиси

Маҳмудов Мансур Мухамедович — Республика Олимпия заҳиралари коллежининг бокс бўйича катта мураббийси

Нажимов Шухрат Фахриёвич — Енгил атлетика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби директори

Хусанов Валентин Борисович — Сув спорти турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби директори

Ўзбекистон**Республикасида хизмат кўрсатган спортчи**

Мансуров Дилшод Исмаилович — Марказий ҳарбий спорт клуби ҳарбий хизматчиси

Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги катта хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига

қўшган муносиб ҳиссаси учун куйидагилар мукофотлансин:

«Эл-юрт ҳурмати»**ордени билан**

Қодиров Мухсин Халилович — Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири

«Меҳнат шухрати»**ордени билан**

Абдувоҳидов Сотволди Абдувоҳидович — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» телеканали бош дирекцияси муҳаррири

Абдураҳимов Баҳодир — Ўзбекнаво эстрада бирлашмаси бош директори

Облоқулов Номоз Маҳкамович — Ўзбекистон халқ усталари ва ҳунармандлари «Хунарманд» уюшмаси раиси

Азизова Ширин — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Алимова Дилором Аъзамовна — Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти директори

Аҳмедов Ҳикматулла Мамажонович — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси офсет босма цехи матбаачиси

Охунбоева Назира Исмоиловна — Темурийлар тарихи давлат музейи бўлим мудири

Йўлдошев Бехзод Содикович — Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти

Машарипов Эркабой — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

Машаров Зокиржон Машрабович — Бобур номидаги халқаро жамғарма раиси

Муродов Мухторбек — Ўзбекистон радиоси иқтисодиёт ва ислоҳот муҳарририяти бош муҳаррири

Мусахонов Мирзаюсуф Мирзамаҳмудович — Ўзбекистон Миллий университетининг кафедра мудири

Носиров Ҳаким Ҳалимович — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри

Неъматов Пўлат — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги бош архив бошқармаси бошлиғи

Низомов Тўлан /Тўлан Низом/ — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шoir

Нияматов Бахтиёр Ибрагимович — Ўзбекистон Республикаси бош давлат санитария врачси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосари

Рябцев Леонид Григорьевич — Республика рассомлик коллежи ўқитувчиси

Сафаров Фиридон Саттарович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри режиссёри

Скородумова Нина Семёновна — Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт-санитария бирлашмасининг 1-марказий клиник шифохонаси шифокори

Чеботин Владимир Герасимович — «Голос Узбекистана» газетасининг бўлим мудири

Чудаева Людмила Михайловна — Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий марказининг терапия-реанимацияси бўлими катта ҳамшираси

(Давоми 3-бетда).

МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

(Давоми. Боши 1-2-бетларда).

Йўлдошев Анвар Ортиқович — Ўзбекистон Фанлар академияси Физика-техника институти етакчи илмий ходими
Юнусов Обид — Ўзбекистон халқ артисти, актёр

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига кўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиклол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун куйидагилар мукофотлансин:

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Аббосов Хислат Солиҳович — Спорт ўйинлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби директори

Цой Людмила Максимовна — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 46-оилавий поликлиникаси шифокори

Диёримизда тинчлик-тотувлик, миллатларда дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида кўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шухратини юксалтиришга кўшган ҳиссаси учун куйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Авазхўжаев Анвар Хожимуродович — «Ўзтелерадио» компанияси «Ўзбектелефильм» студияси кинооператори

Аковбянц Евгения Рубеновна — Тошкент туризм касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Борисов Павел Михайлович — Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқитувчиси, хонанда

Валиев Хожимурод Муҳаммаджонович — «Ўзкинохроника» студияси режиссёри

Ғиёсов Нуриддин Шамсиддинович — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, композитор

Гойзенштейн Михаил Борисович — «Ўзтелерадио» компанияси «Ахборот» дирекциясининг муҳбири

Гусейнов Леонтий Алиевич — «Правда Востока» газетасининг фото-муҳбири

Жўраев Рисбой Ҳайдарович — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири

Жўраева Назира — Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг бош муҳаррири

Зокиров Фаррух Каримович — Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг ўринбосари

Калдибаев Турдибай — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг кафедра мудири

Камарская Екатерина Алексеевна — Республика Байналмилал маданият маркази бўлим бошлиғи

Колосовский Эдвард Иосифович — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси оммавий спорт тadbирларини ўтказиш гуруҳи аъзоси, жисмоний тарбия ўқитувчиси

Комилов Хусниддин Абдуллаевич — Ўзбек Миллий академик драма театри инженер-радиости

Кременцова Алла Ильинична — «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётининг бўлим мудири

Маркелова Лариса Александровна — «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси марказий поликлиникаси бўлим мудири

Петренко Виталий Демьянович — Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физика институтининг етакчи илмий ходими

Петровский Валерий Федорович — «Народное слово» газетаси бўлим муҳаррири

Сарко Эльмарс Степанович — Ўзбекистон Бадий академияси халқаро алоқалар бошқармаси бошлиғи

Ульянова Наталья Борисовна — «Ўзбекфильм» киностудияси мультфильмнинг муҳаррири

Хасанов Саидбек — Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи директори

Шарипов Руслан — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Шелаев Олег Игоревич — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази эндоскопия бўлими бошлиғи

Кўзиев Турсунали Каримович — Ўзбекистон Бадий академияси раиси

Мамлакатимизда амалга ошириладиган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига кўшган ҳиссаси учун куйидагилар мукофотлансин:

«Шухрат» медали билан

Абдурахмонова Венера Хасановна — Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқитувчиси

Борисенко Георгий Константинович — шахмат бўйича мураббий

Ғазиева Замира — Тошкент шаҳридаги 30-ёрдамчи меҳрибонлик уйи тарбиячиси

Ғиёсова Карима Абдураимовна — «Ўзбекракс» миллий рақс бирлашмаси либосчиси

Ермолова Евгения Викторовна — Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти етакчи илмий ходими

Зоҳидов Музаффар Воҳидович — «Жаҳон» ахборот агентлиги бўлим бошлиғи

Иброҳимова Мастура Соатовна — «Ўқитувчи» нашриётининг кичик муҳаррири

Илёсова Шарипа Мансуровна — «Тошкент оқшоми» газетаси гуруҳ раҳбари

Қодирова Амина Набиевна — «Ишонч» газетасининг бўлим муҳаррири

Катков Евгений Михайлович — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг техник хизмат кўрсатиш бўлим бошлиғи

Корука Ярослав Николаевич — «Ватанпарвар» газетаси бўлим муҳаррири

Лебедев Степан Степанович — Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 7-махсус болалар ва ўсмирлар олимпия спорт мактабининг мураббийси

Мавлонов Тўлқин — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кафедра мудири

Маликова Муслима Тошматовна — «Отель Ўзбекистон» кўшма корхонаси бош директори

Матниёзов Бахтиёр Шихназарович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри концертмейстери

Морова Ольга Петровна — «Ўзбекфильм» киностудиясининг монтажчиси

Муинов Ориф Маъруфович — Биринчи Тошкент босмахонасининг чоп этувчиси

Нажмуддинова Зухра Агамусаевна — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси муқоваловчиси

Рафиқова Ҳафиза — А.Хлебушкина номидаги 22-меҳрибонлик уйининг тарбиячиси

Сагадеева Венера Васильевна — Республика кўғирчоқ театрининг бутафор-декоратори

Саъдуллаев Давлатмурод — «Мулоқот» журнали масъул котиби

Солихова Раъно Шокировна — «Ўзтелерадио» компанияси «Ўзбектелефильм» студияси муҳаррири

Сушев Пётр Петрович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг тиббиёт асбоб-ускуналар техник сервис бўлими бошлиғи

Толочко Елена Васильевна — «Чўлпон» нашриётининг техник муҳаррири

Тўйчибоева Азизахон Олимовна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги республика ахбороти тахририяти бош муҳаррири ўринбосари

Тулегенов Жақсибай Холмуратович — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош

Тўхтабеков Зафарбек Латифбекович — Тошкент матбаа комбинатининг муқовалаш цехи созловчиси

Умаров Рихситилла Лутфуллаевич — «Ўзтелерадио» компанияси «Ахборот» дирекциясининг гуруҳ раҳбари

Ўрнинов Эсонбой — «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассиси

Халилов Рустам Ҳакимович — «Ўзтелерадио» компанияси кўчма телекўрсатув станциялари бошлиғи

Шамсиев Носиржон Шокирович — «Ўзбекфильм» киностудиясининг махсус автокорхона ҳайдовчиси

Шосалимов Жамолхон Шосиддиқович — Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази касб-хунар коллежлари бошқармаси бош мутахассиси

Шербўтаева Муҳаббат Абдуваҳабовна — Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси мутахассиси

Юнқов Сергей Александрович — «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли спорт техника клубининг ўқитувчи-мураббийси

Юсупов Талъат — «Шарқ-Пресс» нашриёт уйи адабий ходими

Қосимбеков Орифбек Қосимбекович — «Ўзтелерадио» компанияси телекўрсатувлар марказининг сахна устаси

Ҳасанова Римма Рустамовна — Республика давлолаш жисмоний тарбия диспансери шифокори

Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг
Қ А Р О Р И

**Паст рентабелли,
зарар кўриб
ишлаётган, иқтисодий
ночор давлат
корхоналарини
ва объектларни
хусусийлаштиришни
жадаллаштиришга
доир кўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида**

(Давоми. Боши 1-бетда).

3. Белгилаб қўйилсинки: давлат корхоналари ва объектлар фақат танлов асосида энг яхши инвестиция лойиҳаларини ва корхонанинг кредиторлик қарзини ўзлаштиришга қўйилган мажбуриятларни тақлиф этган инвесторларга инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарт билан бепул берилди;

корхонани (объектни) инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарт билан бепул олган инвестор томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки зарур даражада бажарилмаганда, бепул бериш тўғрисидаги шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади, бунда объект белгиланган тартибда инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарт билан қайтадан сотувга қўйилиши керак;

инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарт билан инвесторларга бепул берилган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича олдинги йиллардаги тўланадиган ишонч бўлмаган қарзлари, шу жумладан улар бўйича пеня ва жарималар ҳисобдан чиқарилади;


мулкдор — юридик ёки жисмоний шахс инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарт билан бепул олинган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхонаси (унинг мол-мулки), паст ликвидли объект бўйича тегишли равишда даромад (фойда) солиғига ҳамда жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиққа тортилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Телерадио компанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарор ахамиятини, шунингдек паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарни, паст ликвидли объектларни инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарт билан мамлакатимиз инвесторларига ва хорижий инвесторларга бепул беришнинг ҳамда хусусийлаштирилган корхоналар давлат активларини уларнинг номинал қийматидан паст нархларда сотишнинг боришини кенг ёритиш ишларини ташкил этсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар
Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 26 август



Жаҳон метросозлиги 139 йиллик тажрибага эга. Биринчи метро 1863 йили Лондонда қуриб битказилган эди. Ушандан буён дунё бўйича санаоти юксак тараққий этган, нуфузи салмоқли бўлган шаҳарларнинг 35 тасида ер остида темир йўли бунёд этилди.


Дунёда 36 чи — Ўрта Осиёда эса тўнғич саналган Тошкент метросининг биринчи навбатини фойдаланишга топширишда шу кўп йиллик бой тажриба қўл келди. Бугунги кунда Тошкент аҳолиси ва пойтахтимиз меҳмонлари энг қудай транспорт воситаси бўлган метро хизматидан фойдаланиб келишмоқда.

Тошкент метрополитени фоят мураккаб муҳандислик — биологик ва сейсмик шароитда бунёд этилди. Энг муҳим вазифалардан бири ёпиқ усулда қазилган лаҳмларда тупроқни зичлаш учун имкон берадиган мустаҳкам ва айни пайтда олдий қурилмаларни қўллаш эди. Тошкент метросозлари мураккаб шароитда тупроқни зичлашнинг бутунлай янги усулини қўллашга қарор қилдилар ва бундай усулни илк бор 1-қурилиш-монтаж бошқармаси жамоаси ўз зиммасига олди. Тошкент метросининг тўнғич йўналиши ана шундай вужудга келганди.

Ниҳоят метрополитеннинг дастлабки йўловчилари мингминглаб чироқлар билан нурафшон, мрамар ва гранитдан ясалган тўққизта саройга қадам қўйдилар. Узоқ орқиқиб қутилган дақиқалар етиб келди. Машинаист Лутфулла Исмаилов ва моторли вагоннинг кабинасидаги ўз иш жойига ўтирди. Унинг ёнида ёрдамчиси, метро поезди ҳайдовчилари орасида биринчи ўзбек қизи Ашургул Раҳматова ўрин олган.



5. МЕТРО



Репродукторлардан тез орада ҳамма кўникиб қоладиган, ўша кун эса ҳар бир кишини фоят тўлқинлантирган: «Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилди...» деган сўзлар янтради.

Орадан йиллар ўтди, мустақиллик шарофати ила Тошкент метроси қурилиши қизгин паллага кирди. «Тошметролойиҳа» устaxonасининг ижодкорлари ўз ишларига янада масъулият билан ёндошадиган бўлдилар. Улар илгариги шошма-шошарлик билан қизилган лойиҳалар-

даги камчилик ва нуқсонлардан тегишли хулоса чиқардилар. Хусусан, баъзи метро бекатларининг безатилишидаги пала-партишликлар, ўзига хос миллийликнинг етишмаслиги, айниқса ўтиш жойларининг торлиги ҳисобга олинмади бўлди. Ўзбекистон метро йўлининг қурилишида ана шу камчиликларга эътибор қаратилди.

Йиллар ўтиши билан Тошкент метроси йўналишлари узайгандан узайиб борди. Бугун эса Юнусобод йўналишининг

биринчи навбати аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Мустақилликнинг 10 йиллиги байрами арафасида ишга туширилган ушбу йўналишнинг олти бекати ўзига хос безаклари билан ажралиб туради.

Метрочилар Юнусобод йўналишини тажриба-синов йўналиши деб аташади. Чунки унинг айрим участкаларида чўян ишланмалари билан бир қаторда биринчи марта темир-бетон конструкциялари ҳам қўлланилди. Чўян тубинглири-

нинг ўрнини босувчи темир-бетондан ишланган «тутунлар» тошкентлик лойиҳачилар ихтироси ҳисобланади. Янги йўналишнинг иккинчи навбатида эса яна учта «Файзулла Хўжаев», «Юнусобод», «Туркистон» бекатлари қурилади. Лекин иш бу билан чекланиб қолмайди. Бугунги кунда «Тошметролойиҳа» институти мутахассислари томонидан мазкур йўналишнинг учинчи навбати бўйича ҳам лойиҳалар тайёрланди. У тўрт бекатдан иборат бўлиб, Юнусобод даҳасини Жанубий вокзал билан боғлайди.

Кўп йиллик тажрибалар асосида «Тошметролойиҳа» институти тўртинчи — Сергели йўналишининг лойиҳасини ҳам тугаллаган. Мазкур йўналишнинг узунлиги 9,6 километр бўлиб Сергели даҳасини «Чилонзор» буюм бозори билан боғлайди ва унинг олти бекатидан тўрттаси ер устидан ўтади.

Тошкент метросининг янги йўналишлари сингари «Собир Раҳимов — Сергели» йўли бекатлари ҳам ўзига хос таърифга эга бўлади. Замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида қуриладиган бу иншоот «А. Хўжаев» метро бекатидан бошланади. Бу йўналиш «Собир Раҳимов» бекатидан Жанубий саноат зонаси орқали Жўнар ариғи ва Салор устидан ўтиб Сергели тумани билан боғланади. Янги йўналишнинг ҳар бир бекати ўзининг ички меъморий лойиҳа безаклари билан ажралиб туради.

Бундан ташқари метронинг Чилонзор йўналиши «Буюк Иш» йўли бекатидан Тошкент трактор заводигача 6,36 километрга узайтирилади ва бу масофада қўшимча учта бекат таркиб топади. Ўзбекистон йўналишига эса иккинчи бекат қўшилиши назарда тутилган. Унинг «Беруний» бекати Қорақамши даҳасига давом эттирилади.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда метрополитеннинг 40 километрга яқин 29 бекатдан иборат учта йўналиши аҳолига хизмат кўрсатаётган бўлса, янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиши билан унинг узунлиги 67,61 километрга етиб 4 йўналиши бўлади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ҳар йили энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллик айёми арафасида юртимизда кўплаб янги иншоотлар барпо этилиб, фойдаланишга топширилиши яхши аънаъанга айланган.

Бундай бунёдкорлик ишлари Тошкентда, айниқса, янада яққол кўзга ташланади. Миллий ва замонавий меъморчилик аънавалари уйғунлашган бир-бирдан гўзал, муҳташам бино ва иншоотлар пойтахтимиз кўркам қўрқашмоқда.

Истиқлолимизнинг 12 йиллик байрами арафасида қурилиши якунланган Тошкент Кичик халқа йўли-

Азим Тошкентнинг янги иншоотлари

нинг учинчи навбати ҳам ана шундай иншоотлардандир. У транспорт қатновини тезлаштириш, қулайлаштириш билан бирга йўловчиларнинг вақтини тежашда муҳим аҳамият касб этади.

Байрам арафасида Уйғур ва Улуғбек кўчалари туташган манзилда барпо этилган янги автомобиль йўли фойдаланишга топширилади. Бу ерда ер ости ва ер усти йўллари қурилиши натижасида тизгир транспорт сечими ҳал этилади.

Уйғур ва Самарқанд дарбоза кўчалари оралиғида узунлиги 2,7 километрдан иборат автйўл қайта таъмирланди. Ушбу жараёнда 8-йўналишдаги трамвай йўллари қайта ётқизилди.

Юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини изчил ҳаётга татбиқ этилиши натижасида кўплаб академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари бунёд этилмоқда. Жумладан, Собир Раҳимов туманидаги Мойқўрғон мавзесида 1200 нафар ўқувчига мўлжалланган банк коллежининг янги биноси қуриб битказилаётган. Бу ерда ўқувчилар банк соҳасида чуқур билим олишлари билан бирга амалиёт машғулотларини ўташлари учун ҳам барча шароит яратилган.

Юнусобод туманида 900 ўринли машинасозлик коллежида ҳам қурилиш ишлари якунланмоқда. Таълим масканида компьютер техникаси, молия,

автомобиль таъмирлаш, текстиль саноати технологияси бўйича билим берилади. Бу ерда ўқувчилар Жанубий Кореядан келтирилган ўқув жиҳозларидан фойдаланиш имконига эга.

Шайхонтоҳур туманидаги республика тиббиёт коллежи мамлакатимиздаги энг ёши улуг илм даргоҳларидан бўлиб, 85 йиллик тарихга эга. Бугунги кунда ушбу илм даргоҳи янада кенгайтирилиб, тўла қайта таъмирланмоқда. Бу ердаги замон талаблари даражасидаги спорт майлони ва заллари ёшларнинг спортга бўлган иштиғқини янада ошириши шубҳасиз.

Байрам арафасида Чилонзор туманида 600 ўринли ижтимоий таъминот ва 500 ўринли матбаа коллежлари биноларида ҳам қайта таъмирлаш ишлари якунланди.

(ЎЗА).

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

Фарзанд дунёга келиши билан ота-она унга бисотидаги энг азиз ва мўътабар номлардан бирини беради. Кимдир фарзандининг Абдулла Қодирийдек ажойиб бир инсонга ўхшаши учун унга Абдулла номини беради, кимдир қизининг гулдек яйраб-яшнаб юришини орзу қилиб, уни Гулчехра деб атайдди. Қурбон ҳайити намози пайтида туғилган гўдакка Хожиакбар, тўй кунлари дунёга келган болага эса Тўйчи деган исмларни бериш удум бўлган. Ном ана шу тарзда пайдо бўлиб, ҳар бир кишининг туғилиш тарихи ёки бирор инсоний сифатини ифодалаб келган.

Ҳабибиддин тузум қатағон этилган кишиларнинг ҳатто номларини ҳам қариндош-уруғлари, эл-юрт хотирасидан ситиб чиқаришга уринди. Минглаб кишиларнинг муборак номларига лаънат тамгаларини босди. Чўлпон ёки Фитрат сингари жаҳрдийда кишилар номини ҳатто тилга олиш жиноят ҳисобланади.

Мустақиллик даврида жамиятимиз олида турган муҳим вазифалардан бири тарихий адолатни тиклаш, мустабил шўро тузуми даврида қатағон этилган ва тандошларимизнинг қутлуғ номларидан турли-туман муҳдиш ёрликларни олиб ташлаб, улар хотирасини эъзозлаш ва абадийлаштириш эди. Шу мақсадда Юр-тбошимиз ташаббуси билан тузилган жамоатчилик комиссияси ва «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси Ватан халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимиз номини абадийлаштириш бўйича муайян ишларни амалга оширди.

Абадийлаштириш, айрим кишилар ўйлаганидек, фақат кўча ва мактабларга қатағон қурбонлари номини бериш, майдонларни ҳайкаллар билан тўлдириш, улар яшаган уй деворларига хотира тахтачаларини ўрнатишгина эмас. Абадийлаштириш — бу аввало, унутилган номларни тиклаш, шўро давлати томонидан бадном этилган кишиларни оқлаш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида бола-чақаларига маълумотнома беришдир. Агар маънада ана шу нуктага назардан ёндошсак, таниқли олимлар Рустамбек Шамсутдинов ва Шерали Турдиев, моҳир журналистлар Холида Ахророва ва Сирожиддин Аҳмедов сингари фидо кишилар туфайли қатағон даврининг талайгина қурбонлари номи халққа қайтариб берилди ва абадийлашди.

Жалид адабиётининг намоёндаларидан бири, таниқли драматург ва журналист Ҳожи Муин ўзбек драматургиясининг отаси М.Бехбудийнинг сафдошларидан бири бўлган. Утган асрнинг 20-йилларида театр сахналарида Ҳожи Муиннинг кўплаб асарлари қўйилган. У хизмат қилган «Овози тожик» газетасининг 1929 йилдаги сонларидан бирида «Йўқолсин социал-империалистлар! Яшасин Коммунист Интернационал!» деган икки шиор қандайдир қисқариб, «Йўқолсин Коммунист Интернационал!» тарзда босилиб чиқди. Муҳаррир бундай катта сиёсий хатонинг ўтиб кетганини ўз вақтида билиб, газетанинг шу сонини қайтадан тузатиб чиқарганига қарамай, Ҳожи Муин 3 йилга озодликдан маҳрум этилади. У жазо муддатини

ўтаб, 1938 йилда «Қизил юлдуз» газетасида ишлаб юрган чоғларида эса трошкыйчи сифатида отилган Мураловнинг исм-шарифи фалақининг гардиши билан «Молотов» бўлиб кетади. Ҳожи Муин бу иккинчи сиёсий «жиноят»и учун 10 йилга қамалади ва 1942 йили Пермь вилояти Соликамск шаҳридаги лагерда чекан азоб-уқубатлари орқасида вафот этади.

Бу йил машҳур жалид ёзувчисининг туғилганига роппа-роса 120 йил тўлди. «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси шу сана муносабати билан Ҳожи Муин Шукруллаевнинг жинорий-архив ишини ўрганиб чиқди ва Самарқандда ўтказилган юбилей тадбирларининг та-

дан бирга хонандалик ҳам қилади. «Ироқ», «Савти ушшоқ», «Баёт» сингари мумтоз халқ қўшиқларини куйлайди. Аммо номи аллақачон НКВДнинг каталогига тушган Жамил Ҳидоятлов 37-йил тегирмони ишга тушганида яна қамоққа олиниб, 10 йилга кесилади. Ундан бирорта ҳам айбни тополмаган НКВД ходимлари у айтган қўшиқларнинг матнини рус тилига таржима қилдирадидлар. Бу қўшиқлардаги халқ қалбининг мунгли нолалари, чархи фалақдан шикоят оҳанглари улар томонидан советларга қарши тарғибот сифатида баҳоланади. Бечора ҳофиз шу тарзда умрининг энг ширин йилларини собиқ шўро давлатининг азобгоҳларида ўтказди.

Агар Самарқанд вилоятининг Пахтакор туманида истиқомат қилган Қаҳҳор Тоғаев тирик бўлганида келгуси йили роса 100 ёшга тўлган бўларди. Бўённий номидаги жамоа ҳўжалигида аравақашлик қилган Қаҳҳор ака 1937 йилнинг декабрида даладан қайтиб, эндигина оёқ-қўлини ёзиб ҳордиқ олиб ўтириганида икки нафар комсомол аъзоси келиб, уни

орадан саккиз йил ўтгач, Сталиннинг ўлимидан кейингина озод этилади. Агар Эшбой Пардаев қатағон тегирмонига тушиб абгор бўлмаганида бу маърифатли инсондан кўплаб илмий асарлар билан бирга шеърый китоблар ҳам мерос бўлиб қолган бўларди.

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида Сельмаш деган маҳалла бўлган. 1872 йили шу маҳаллада туғилган Мулла Бердиёр Олим ўғли Ҳалима деган тўнғич қизи билан бирга Убайдулла, Ҳабибулла ва Ҳамидулла деган тўрт фарзандини отаси эди. У 1925 йилга қадар маҳалла масжидида имомлик қилган. Дин ва диндорлар совет давлати томонидан сиқув остига олинганларидан кейин Мулла Бердиёр ота оиласини боқиб шу учун мардикорлик билан шуғулланган. Аммо 1937 йил аждаҳо сингари кириб келганида бу бечора мардикор ҳам қамоққа олиниб, унга чет эл разведкаси билан алоқада бўлган аксиланқилибий миллатчилик ташкилотининг аъзоси деган сохта айб қўйилган. Терговчилар шу ҳақдаги сўроқномага зўрлаб қўл қўйдириш учун Мулла Бердиёр Олим ўғлини қамоқхонада уриб ўлдираган.

Ҳидоят Тўхтамишев исм-шарифли қатағон қурбонларидан яна бири 1904 йили Самарқанд вилояти Нарпай туманининг Косагарон қишлоғида дунёга келган. У 1938 йил 28 август куни ҳибсга олинганида шу қишлоқдаги Ворошилов номли жамоа ҳўжалигининг қоровули эди. Маълум бўлишича, у ўтган асрнинг 20-йиллари охирида қулоқ сифатида 5 йилга кесилиб, жазо муддатини «Зарафшон» давлат ҳўжалигида ўтаган. Озодликка эришганидан сўнг, орадан уч йил ўтмай, мамлакатда вужудга келган шароитдан норози бўлиб, жамоа ҳўжалиги чойхонасида айтган гапи учун мол-мулки мусодара этилиб, ўзи отиб ташланган. Адолатсизликни қарангки, унинг отаси Бухоро амирлигида Мирзабоши бўлиб хизмат қилгани учун Шимолий Кавказга сургун қилинган ва сургун муддатини ўтагач, кўрган хорлик ва зорликлар орқасида жон таслим этган эди. Шўро давлати отанинг ҳаётига зомин бўлганини стаманидек, энди унинг ўғлини ҳам бекордан-бекорга ўлдириб, яна мол-мулкни қароқчилардек тортиб олган.

Мустабил тузумнинг бундай бегуноҳ қурбонлари сенсиз-саноксиздир.

Айтишларича, самандар деган бир қуш бўлиб, у қулдан пайдо бўлган экан. Назаримда, авлодлар хотирасидан ситиб чиқарилган қатағон даврининг бахтсиз қурбонлари ҳам Истиқлол туфайли, худди самандардек, қулдан қайта пайдо бўлмоқдалар. Уларнинг пок номлари фарзандлари ва невараларига, умуман халққа қайтарилаётгани муборак бўлсин.

Қатағон қурбонлари хотираси халқимиз томонидан эъзоз қилинишда давом этажак.

Наим КАРИМОВ,
«Шаҳидлар хотираси»
хайрия жамғармаси раиси.


Шаҳидлар хотираси мангу яшайди Йиллар қатидаги ўйлар

шаббускорларидан бири бўлди. Ҳожи Муиннинг ҳаёти ва ижодига бағишланган қатор мақолалар матбуот юзини кўрди. Халқ Ҳожи Муиндек жалид адабиётининг йирик сиймоларидан бирининг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан таниши.

1887 йили Тошкентда туғилган Жамил Ҳидоятлов 1938 йилнинг 14 августидан қамоққа олинунига қадар ўрта мактабларнинг бирида ўқитувчи бўлиб хизмат қилган. Унинг отаси 1912 йилга қадар Шоаҳмад Шораҳимов деган кишининг қўлида тумашта бўлиб ишлаган. 1912-1917 йиллар мобайнида богбонлик билан шуғулланган. Сўнг 1924 йилгача сут-қатиқ сотиш билан рўзгор тебратган. Ана шу оддий меҳнаткаш кишининг фарзанди Жамил Ҳидоятлов олий ўқув юрғларидан бирининг тайёрлов курсида ўқиб, ўқитувчилик касбини эгаллайди. Табиат унга хушовоз ато этган экан, қўшиқлари билан ёр-дўстлари, қариндош-уруғларига фароғат дамларини бағишлаб турди. У қўшиқ айтган давларда иттифоқо «Миллий иттиҳод» яширин ташкилотининг аъзолари ҳам ҳозир бўлганлиги учун 1929 йилда уни шу ташкилот йиғилишларида қатнашганликда айблаб, қамоққа оладилар. Иссиқ ўлкада яшаган ва шу ўлканнинг иқлимига кўниккан маҳбус 3 йиллик жазо муддатини Шимолий муз океанига туташ ҳудудда — Мурманск вилоятининг Кем шаҳрида ўтади. 1932 йили қамоқдан озод қилинган, она юртига қайтиб, яна ўқитувчилик би-

қуроқ тозалаш учун олиб кетмоқчи бўлди. Бундай ортиқча ташвишлар тез-тез такрорланиб тургани ва жонга теккани учун Қаҳҳор ака комсомол ёшларга рад жавобини беради. Орадан кўп ўтмай, комсомоллар милиция билан келиб, Қаҳҳор ақанинг оёғини ерга теккизмай олиб кетадилар. Кимдир унинг бундан беш йил муқаддам кимнидир сўкканини, конституция шаънига қандайдир таъни айтганини эслайди. Хуллас, Қаҳҳор Тоғаев Каттақўрғондаги қамоқхонада олти-етти ой мобайнида азоб чеккач, 1938 йил 21 июнь куни «учлик» томонидан 10 йилга кесилади ва уйига, оиласи бағрига бошқа қайтиб келмайди.

Эшбой Пардаев исмли қатағон қурбони 1910 йили Термиз туманидаги Паттақесар қишлоғида туғилган. Кўпгина дунёвий ва диний фанларга қизиққан бу зот Сурхон воҳасининг тарихи, халқ оғзаки ижоди, она юртида расм бўлган урф-одатлар билан қизиқиб, қимматли маълумотлар тўплаган. У 1937 йилда Ўзбекистон Давлат университетини тугатгач, Бухоро педагогика институтига ишга юборилади. Эшбой Пардаев 1945 йили институтда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида хизмат қилиб юрган кезларида талабаларнинг араб ёзуви ва диний билимлардан ҳам хабардор бўлишлари учун дарсга Ҳафтияк ва Қуръони шариф китобларини олиб киради ва бу китобларнинг айрим парчаларини талабаларга ўқиб, ёздирди. У ана шу «жиноят»и учун 5 йилга кесилади. У



Транспорт

УЗОҚНИ ЯҚИН
ҚИЛМОҚДА

Узоғинг яқин бўлса, ишинг ҳам тез битади, мушкулинг ҳам осон кечади. Бу борада жамоат транспортининг хизматлари каттадир.

Шахримиздаги 2519-автожамланма ишчи-хизматчилари ҳам йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишга бел боғлаганлардан саналади. Буни улар ўзларининг сидқидил меҳнатлари билан оқлашмоқда.

Корхона дарвозасидан кунига 120 дан зиёд автобуслар йўлга чиқади. Буларнинг 28 таси «Мерседес-Бенц» автобусларидир.

— Намунали хизматни ташкил этишга интилганимиз боис ҳам, — дейди автожамланма директори Абдурахмон Файзуллаев, — йўловчилар мамун, ҳайдовчиларимиз ҳам моддий ва маънавий рағбатлангиларилмоқда. Ҳозирда эса корхонамизда таъмирлаш, кузги-қишки мавсумга тайёрларилган ишлари пухта бажарилмоқда. Мақсадимиз ҳамisha вазирамизни сидқидилдан адо этиб аҳоли оғирини енгил, узоғини яқин қилишдир.

Иқтисодиёт

«САМАРҚАНД
МАРВАРИДИ»
ТЎПЛАМИ

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Совпластитал» кўшма корхонаси маҳсулотлари нафақат республикада, балки хорижда ҳам кўплаб харидорларни жалб этмоқда.

Бунинг асосий сабаби бозор талабларидан келиб чиқиб маҳсулотнинг харидор турлари яратилаётгани ва уларнинг дизайни устида тинмай изланишлар олиб борилаётганидир. Бугунги кунга келиб корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг номи 7 мингтадан ҳам ортиб кетганилиги ана шу изланишларнинг ёрқин самарасидир.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида жамоат аҳли томонидан «Самарқанд марвариди» деб номланган шиша буюмлар тўплами тайёрланди. У ўзининг ташқи кўриниши, сифати билан харидор эътиборини тортади.

Йилга 6 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқараётган тадбиркорлар фақатгина республикада эмас, балки халқаро кўрғазмаларда ҳам фаол иштирок этишиб, ўз маҳсулотларини намойиш қилмоқда. Ҳозирда улар Россия Федерациясида анъанавий ўтказилган «Кимё-2003» кўрғазмасига қизгин тайёрларил қўришмоқда.

Шиша, чинни, сопол, пластмасса хом ашёсидан харидор турли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхона аҳли ҳозирда буюртма асосида бир марта ишлатиладиган пластмасса идишлар тайёрлашмоқда.

Дилноза ГИЁСОВА

1. Сиз мустақиллик йиллари ўзингиз яшаётган ва меҳнат қилаётган жойдаги қандай ўзгариш ва янгиланишларни таъкидлар эдингиз?

2. Келажакни қандай тасаввур этасиз?

1. Мустақиллик Ўзбекистонда илм-фан тараққиётига, жумладан адабиётшунослик ва тилшунослик ривожига йўлида кенг имкониятлар яратди. Тарихга, адабий ва лисоний ҳодисаларга янгича муносабат шаклланди. Тарихни, адабиёт ва санъатни эркин, холис, ҳар томонлама ўрганишда янги натижаларга эришилди. Буни биргина Тил ва адабиёт институти олимлари фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Институтда олиб борилган ва амалга оширилаётган барча тадқиқотларни бир мақола доирасида баён қилиш амри маҳолдир. Шунинг учун ҳам бу ўринда 2-3 та фундаментал ишларни алоҳида таъкидламоқчиман. Мустақиллик йилларида 80 мингга яқин сўз ва сўз бирикмасини ўз ичига олган кўп жилли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» яратилди ва уни ҳозирги кунда нашр этишга тайёрларил қўришмоқда. Ўзбек фольклоршунослиги тарихида биринчи марта «Алпомиш» достонининг академик наشري яра-

тилди ва у 1999 йилда нашр этилди. Институтда олиб борилган фундаментал ишлардан яна бири Алишер Навоийнинг 20 жилдан иборат «Мукамал асарлар тўпламини» тайёрлаши ва нашр этилиши бўлди. Бундай нашр бизнинг фанимиз ва

ганлиги, ҳамкорликда килтоблар ва мақолалар нашр этилганлигидир. Масалан, «Алпомиш» достонининг халқ бахшиси Саидмурод Паноҳ ўғли варианты немис тилига таржима қилинди ва оригинали билан биргаликда Германияда нашр этилди.

Истиқлол берган
истиқболлар

«Тошкент оқшоми» анкетаси саволларига Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори, филология фанлари доктори, профессор Тўра МИРЗАЕВ жавоб беради.

маданиятимиз тарихида биринчи марта амалга оширилди ҳамда китобхонлар улуг шоир қолдирган меросни тўлалигича бирор сўзи ҳам қолдирилмаган ҳолда ўқишга муяссар бўдилар.

Мустақиллик йилларида эришилган натижалардан яна бири халқаро алоқаларнинг ривожланганлиги, биргаликда илмий конференциялар, семинарлар ўтказил-

Ўтган йилнинг декабрида Германиянинг Бонн университетидан ушбу нашрнинг тақдимот маросими ўтказилди. Бу келтирилган бир нечта мисоллар Мустақиллик илм-фан тараққиёти учун қанчалар шароитлар яратиб берганлигини кўрсатиб турибди.

2. Энди истиқбол ҳақида ўйлаганда ана шу қилинган ишларнинг натижаларидан келиб чиқамиз. Жумладан

Бир пиёла қайноқ чой... Ишдан ҳориб келганингизда у ҳам чарчоғингизни, ҳам чанқоғингизни қондириб, танангизга ажиб хузур бахш этади. Иссиқда ҳам, совуқда ҳам ўз ўрнига эга бўлган бирдай маза. Шу боисдан ҳам «Кани энди бир пиёла қайноқ чой бўлсайди» деган гапни кўп бор такрорлаймиз.

ИҚТИСОДИЁТ

Байрамга
ажойиб совға

маси ошганлиги натижасида Жанубий Кореядан 2 та қадоклаш линияси ҳамда Сингапурдан электрон тарозилар келтирилиб, янги цехларга ўрнатилди. Бунинг натижасида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир неча баробар ортиқ — 600 тоннадан зиёд дейлон чойи талаблар даражасидаги қутиларга қадокланди.

— Корхонамиз Мустақиллик байрами арафасида



ташкил топгани боис ҳам, мана уч йилдирки жамоамиз аҳли қўшалоқ тантанани нишонлашди, — дейди кўшма корхона бош директорининг ўринбосари Жамшид Назаров. — Шунинг учун ҳам шодибнани ўзига хос тўхта билан қутиб олишга ҳаракат қиламиз. Истиқлолнинг 12 йиллиги арафасида эса харидорларимизга хажона машхур, 100 йиллик тарихга эга ва бергамот лаззатини берувчи «Акбар» чойини қадоклаб тортиқ этаймиз. Йил бошида ушбу чойнинг «Қизил

ёқут» деб номланган турини қадоклаб, харидорларга етказиб берган эдик. Истеъмолчиларни хушлуд этган «Акбар» чойининг яна «Мойи аметист», «Бинафша александрит», «Пушти ёқут» деб номланган уч навини қадоклашни йўлга қўйдик. Ўйлаймики, ушбу маҳсулотларимиз ҳам ёқимли мазаси, хушбўйи, бежирим қадокланиши билан харидор талабини қондиради.

«Тўйга тўёна билан» деган нақлга амал қилган корхона аҳли бугунги куч-ғайратини халқимизга манзур бўладиган маҳсулотлар тайёрлашга қаратган. Импорт ўрнини босувчи, истеъмолчилар севиб қолган «Тошкент» чойлари қаторига эса янгилари, янада хушбўйилари қўшилмоқда. Бу, албатта, бозорни ўрганиш, харидор талабидан келиб чиқиб оқилона иш юритиш самарасидир. Корхона аҳлининг янада юксак режаси эса келгусида хориж бозорига кириб бориш, маҳсулот экспортини йўлга қўйиб, мустақил республика иқтисодиёти ривожига муносиб хисса қўшишдир.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: қадоклаш цехи илгорларидан Наргиза Абдуллаева; корхона маҳсулотлари мана шундай қадокланмоқда. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

яқин беш йилликда ўн икки жилдан иборат «Ўзбек фольклори ва адабиёт тарихи», уч жиллик «Адабиёт назарияси», «Ўзбек тилининг имло луғати» каби йирик тадқиқотларни амалга оширишга киришилди. Институтдаги бугунги илмий салоҳият олдимизга қўйилган ва юқорида таъкидланган ишларни юқори савияда бажариш учун тўла қафолат бера олади.

Ўн икки йил давомида Ўзбекистонда барча соҳаларда эришилган ютуқ ва натижалар келажакимиз янада буюк эканлигини яққол кўрсатмоқда. Мен аминманки, келгусида Ўзбекистонда илм-фаннинг ривожланишида янада катта имкониятлар очилади. «Ўзбек фольклорининг 100 йиллиги» алабиётимизнинг энг қадимги даврларидан бугунгача яратилган ижод дурдоналарининг яхлит нашрларини амалга ошириш имкониятларининг туғилиши шубҳасиздир.

Истиқлол куёши озод ва обод, муаззам Ватанимиз осмони узра ҳамisha нур сочсин, тинч ва фаровон ўлкамизга кўз тегмасин илоҳим. Энг азиз ва Ўнг улуг Мустақиллик байрами барчамизга муборак бўлсин!

Транспорт
хизмати
яхшиланади

Тошкент кичик Ҳалқа йўлининг учинчи навбати бунёд этилиши йўловчи транспорт хизматини янада яхшилаш учун пухта замин ҳозирлайди. Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган бу йирик иншоот туфайли трамвай ва троллейбусларнинг янги йўналишлари ишга тушади.

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмасининг капитал қурилиш бошқармаси томонидан амалга оширилаётган бу бунёдкорлик ишлари қизигандан қизимоқда. Шахримизнинг Маннон Уйғур кўчасидан Зиё Саид кўчасигача борадиган трамвай йўли ҳам тўла таъмирдан чиқди. Узунлиги 2,6 километр бўладиган маҳсулотлар тайёрлашга қаратган. Импорт ўрнини босувчи, истеъмолчилар севиб қолган «Тошкент» чойлари қаторига эса янгилари, янада хушбўйилари қўшилмоқда. Бу, албатта, бозорни ўрганиш, харидор талабидан келиб чиқиб оқилона иш юритиш самарасидир. Корхона аҳлининг янада юксак режаси эса келгусида хориж бозорига кириб бориш, маҳсулот экспортини йўлга қўйиб, мустақил республика иқтисодиёти ривожига муносиб хисса қўшишдир.

Фарход, Собир Юсупов ва Улуғбек кўчаларидан Зиё Саид кўчасигача давом этадиган троллейбус йўли қатнови ҳам яхшиланди. Шу йўналишда қурилаётган бекетлар ҳам янги лойиҳа асосида тикланмоқда. Бундан ташқари Самарқанд Дарвоза кўчасидан Маннон Уйғур кўчаси оралигида қатнайдиган трамвайлар ҳам кўнчилигининг узоғини яқин қилади.

Мустақиллигимиз байрамига йўлсозларнинг бу совғаси шахримизда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда янги босқич бўлади.

Акбар АЛИЕВ

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИЎ
ДОНО БУЛУР...

• Қалби пок ота — пок авлод асосчиси.

• Отанинг ўз уйига ғамхўрлиги деҳқонни ўз ерига ишлов бергани кабилдир. Ерга қанча ишлов берилса, ҳосил шунча кўп бўлади.

• Отадаги фазилат унинг фарзандини элга машҳур эта олмайди, боладаги фазилат эса отага шухрат келтиради.

Донолар айтдилар:

— Эй фарзанд, молу мулкингни бекорга сақлама, уни эл фойда кўрадиган нарсаларга сарфла. Фақат аҳмоқ одамларгина юз меҳнату алам билан бойлик тўплайдилар. Ундан на ўзи фойда топади, на ўзгалар манфаат кўради. Бундай жохил кимсалар кўрганларидан ибрат олишмайди. Нафси куйига тушиб, ғам ва кулфат кўрадилар.

— Эй фарзанд, агар дунёда доимо тараққий қилай десанг умрингни фақат мол учун сарфловчи бўлма, ёмон кишилар билан улфатчилик қилма. Дунёда ахшилик қилиш лозимлиги ҳақида Лукмони Ҳаким тўғрисидаги ҳикоятлардан ўрнат ол.

Фарзандларимизнинг одобли, тарбияли бўлишларини албатта ҳаммамиз истаймиз. Шунинг учун аввал ахлоқи, тарбияли бўлайлик, фарзандларимиз биздан ўрнат оладилар.

Алишер Навоий айтди:

Элга шараф бўлмади

жоҳу насаб,

Лек шараф келди

ҳаю адаб.

Чунки ёгин манбаи

бўлди ҳаё,

Қатраси тупроқни

килур тўғий.

• Донишманд Абу Яъқуб ўғлига насихат қилиб айтди:

— Ўғлим, гина-адоватдан узоқ

бўл, кучинг етмайдиган ишга киришма. Сўз юритувчи, қақимчиларнинг сўзларига ишонма, чунки улар фитнес-фасод йўли излаб юрувчи ярамас одамлардир. Баҳил, очкўз, ҳариз одамлар билан ошно бўлма, улар сени тўғри йўлга сира ҳам бошламайдилар, эҳтиёт бўл.

— Мартабанг балинд бўлишини тиласанг камтар бўл, барчани ўз ҳимматингдан баҳраманд эт. Биласанку уруғ аввал тупроққа аралашиб, сўнг осмону фалакка буй чўзади.

• Хар бир ишни тантанавозлик билан бошлама, унинг хотимаси яхши бўлса шод хуррамлик ва тантана қочмайди.

Бир донишманд ўғлига насиҳат қилиб айтди.

— Дунё кезиб, яхши-ёмонни кўриб илм-фанларни билиб олганда ҳам доно «Мен илмда зўрман», — деб керилмайди, мактанчоқлик нодонларга хос одатдир. Донишманд зийнати — камтарлик, нодоннинг иллоти — манманлик. Зағизгон қуш ҳар қанча балинд учан билан лочин бўлмайди, зеро олтин қоса синган билан баҳоси камаймайди.

Хикоят:

Сойда тик ўсган қамиш олтин бугдойзорга қараб гап отди:

— Хой бошоқ, ўзинг тилладек ярқироксану нега энди бош эгиб турасан?

— Ҳизматдаман, — деди олтин бошоқ, — бошимда эл дони бор... Ҳаммасини кузда кўрамыз.

Куз келиб одамлар бошоқдан дон тайёрлаб кўзга суртдилар, кеккайган қамишдан бўйра ясадилар.

Байт:

Димогингни кўтарма,
бўлмайинг десанг оёқости,
Қамиш кеккайгани учун
бўйра бўлдию ҳамма босди.

Тошкент шаҳар ҳокимияти
"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими
"Севимли шаҳрим" акцияси доирасида
"Озода шаҳар"
тадбирини ўтказарди.

Тез кунларда Сизнинг маҳаллангизда махсус
жамоа ва сеvimли радиостанциянгизнинг
бошловчилари иш олиб боришади.

Сиз ўз кўчангизни чиқинди-
аҳлатлардан тозаланг!

Ва Сиз сеvimли радиостанция орқали
эфирга чиқиш имкониятига
эга бўласиз.

Маълумотлар
ТТҲ телеканали,
"Пойтахт-информ"
радиостанцияси, "Тошкент
оқшоми", "Вечерний Ташкент",
газеталарида.

Бизнинг Тошкент-
озода шаҳар!

www.tashkentkamolot.uz
Мавзун: Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр кўчаси, 14
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

Севимли
ШАҲРИМ

• АНЖУМАНЛАР

Севимли шаҳрим

Ёшлар эътиборини қадрдон шахримизга жалб қилиш, пойтахтимиз нуфузини ошириш, турли соҳаларда ёш истеъодларни аниқлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорликда «Севимли шаҳрим» шиори остида икки ой давом этадиган тадбирлар режасини ишлаб чиқишди.

Яқинда «Бунёдкор» ёшлар телеклубида ушбу тадбирлар ҳаракати бошлангани ҳақида матбуот конференцияси ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўрин-босари Рустам Қурбонов ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси Фуқрат Маҳмуджўаевлар акцияларнинг мақсад ва вазифалари, унинг доирасида ўтказилувчи тадбирлар тўғрисида матбуот ходимларига батафсил маълумот бердилар.

Шуни айтиш керакки, «Озода шаҳар» акцияси ёшларни маҳаллалар, кўчаларда тозаланиш таъминлашга йўналтирилган.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кўнгилчилари ҳамда «Пойтахт-Информ» радиостанцияси бошловчилари 4 кун давомида шахримизнинг белгиланган жойларида навбатчилик қилиб, пойтахтимиз озода ва ораста бўлишига ўз ҳиссасини қўшганларга совғалар топширади. Ушбу тадбирга шахримиздаги 11 та туман қамраб олинади.

Акция доирасидаги яна бир муҳим тадбир «Тошкент гуллар шаҳри» деб номланиб, ушбу танлов ҳовли, мактаб томорқалари, гулзор ва майсазорлар, ландшафт архитектураси асосида манзарали мей-

морчиликка мос равишда безалганини аниқлаш учун йўналтирилган.

«Пойтахт бизнинг нигоҳимизда» деб номланган фототанловда эса пойтахт мавзудида энг яхши фотолар аниқланди. Қизиқarli, диққатга сазовор ишлар танлов якунидан сўнг Тошкент шаҳридаги катта суратлар кўргазмаси учун танлаб олинади.

Шунингдек, акциядан ўрин олган «Менинг Тошкентим» кўшиқлар танлови пойтахт тўғрисидаги энг яхши астрада кўшиги учун белгиланган. Унинг асосий мақсади тингловчилар кўнглига кириб борадиган энг яхши хитни танлаб олишдан иборат.

Танлов қатнашчиларининг ёши чегараланган бўлиб, унда иштирок этиш учун талабномалар шу йилнинг 1 октябрга қадар қабул қилинади.

Азиз ёшлар, келинг биргаликда пойтахтимиз гуллаб-яшнашига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишга интилайлик! Зеро, ёшлар қудратли кучдир.

Орзугул РУСТАМОВА

• НАЗМ БЎСТОНИДА

ТУРОНЗАМИН КЎРКИ —
ТОШКЕНТИМ
(Кўшиқ)

Эрк эди, озодлик эди азалдан
Аждодлар орзуси асрий бир армон.
Кенг жаҳон бошланар Она шахримдан,
Элим дер, юртим дер бунда хар инсон.
НАҚРАТ:
Нима бўлса сенда бўлай Тошкентим,
Муҳаббат риштасин сочган Тошкентим.
Барчага баробар тенгсиз Тошкентим,
Дўстларга бағрини очган Тошкентим.

Чиройинг бунчалар гул-гул очилмиш,
Истиқлол туфайли чексиз топиб шон.
Олам ичра барча эллар қолиб лол,
Тасанно демокда, халқинг фаровон.
НАҚРАТ:
Нима бўлса сенда бўлай Тошкентим,
Муҳаббат риштасин сочган Тошкентим.
Барчага баробар тенгсиз Тошкентим,
Дўстларга бағрини очган Тошкентим.

Туронзамин кўрки ўзинг Тошкентим,
Обод, озод юртга тимсол бўлиб қол!
Истиқлол машъалан балинд кўтариб,
Топақамкиз сенла бахт, иқбол.

НАҚРАТ:
Нима бўлса сенда бўлай Тошкентим,
Муҳаббат риштасин сочган Тошкентим.
Барчага баробар тенгсиз Тошкентим,
Дўстларга бағрини очган Тошкентим.

Рустам ХҲЖАЕВ

Ўзбекистон «Тасвирий ойна» ижодий
уюшмаси ҳамда Оммавий ахборот
воситаларини демократиялаштириш
ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-
сиёсий жамғармаси томонидан ташкил
этилган анъанавий «Энг улуғ, энг азиз»
республика кўрик-танлови
ҳайъати қарор қилади:

Ватанимиз Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан бадиий публицистика, журналистика, тасвирий ва кино санъати соҳасида фаол ва сермахсул ижод қилаётган, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларини тараннум этган, фидойий замондошларимизнинг ёрқин образларини эл-юртга танитаётган, мустақилликка эришиш ва мустақамлаш йўлидаги халқимиз бошдан кечирган қувончу изтиробларни бутун мураккаблиги билан ва таъсирчан услубларда маҳорат билан ёритган куйидаги ижодкорлар

«Энг улуғ, энг азиз»

республика кўрик-танлови ғолиблари
ва совриндорлари деб танилди:

Иброҳим НОРМАТОВ — Журналист. Республика матбуотида чиққан туркум публицистик мақолалари учун
Ориф МЎИНОВ — Рассом. «Темурий маликалар» туркум асарлари учун
Озод АББОСХҲҲАЕВ — Ҳуқуқшунос. «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган «Қизил аждаҳо комиди», «Чин ўзбек иши» ва «Марказнинг фирром ўйинлари» мақолалари учун
Илмира АҲМЕДОВА — Санъатшунос. «Жаҳон маданияти» китоби учун
Валерий ТАРАН — Фотосуратчи. «Мустақил лик одимлари» туркум фото асарлари учун
Гулноза ХУСАНОВА — Журналист. «Ёшлар» телеканали муҳбири
Нодир ХОЛМАТОВ — «Ёшлар» телеканали оператори

Совриндорлар: **Сарсен Бойбўсинов** (рассом), **Маъруф Отахонов** («Овози тожик» газетаси ходими), «Қишлоқ ҳаёти» газетаси таҳририяти, **Шоира Нуриддинова** (радиожурналист), **Асан Бойназаров** (рассом), **Маҳмуд Йўлдошев** (психолог-публицист), **Носир Хусанов** (рассом), **Лев Пиншер** (фотосуратчи), **Файзулло Аҳмадалиев** (рассом), **Перхон Алламбергана** (радиожурналист).

Спорт

Пешқадамларга хос беллашув

ЎТГАН КУНИ

«Пахтакор» марказий ўйингоҳида «Пахтакор» ҳамда «Кизилкум» жамоалари ўртасида ўтказилган учрашув билан мамлакат XII миллий чемпионати-нинг 19-тур баҳслари ниҳоясига етди.

Шуни таъкидлаш жоизки, тошкентликлар ҳам, меҳмонлар ҳам майдонда пешқадамларга хос ҳаракат қилишди. Сабаби «Пахтакор» айна пайтда турнир жадвалида қарвонбошлик қилаётган бўлса, «Кизилкум» учинчи ўринни эгаллаб турибди. Шу боисдан ҳар икки жамоа майдонга фақат галаба қозониш иштиқидида тушганликларини муҳлисларга намойиш этишди. Тезкор, ҳужумкор ва камбинацияларга бой кечган баҳс 3:2 ҳисобида мезбонларнинг галабаси билан якунланди.

Ҳамкорлик самара беради

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида спорт мутасаддилари, мутахассислар иштирокида йилги ўтказилди.

Унда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси қoшидаги федерациялар ҳамда миллий олимпия қўмитаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада қучайтириш ҳақида сўз борди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда уюштирилган йилги ўтказилган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давр талаби, спортнинг кураш, шахмат, шашка турларини оммалаштириш зарур эканлиги, қўмиталар ҳамда федерациялар шу кунгача ҳал этилмаган муаммоларни биргаликда бартараф этишлари лозимлиги яна бир бор таъкидланди. Йилги ўтказилган катнашчилари томонидан имзоланган Ҳамкорлик шартномасига кўра федерациялар аввало ўз ҳисоб рақамига эга ва мустақил ҳолда фаолият юритади. Фақат Давлат жисмоний тарбия ва спорт ҳамда Миллий олимпия қўмиталари билан мусобақаларнинг тартибли ва ўз вақтида ўтишини таъминлаш борасида ҳамда бошқа масалаларда узвий ҳамкорликда иш юритади. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси эса федерациялар фаолиятини умумий тарзда мувофиқлаштириб боради. Бу ҳақда йилги катнашчилари, хусусан Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комил Юсупов ўз фикрларини билдиришди. Йилги ўтказилган келгусида бажарилиши лозим бўлган ишлар юзасидан қарор қабул қилинди.

Оксана — жаҳон чемпиони

Мамлакатимизнинг ўтган йилги энг яхши спортчиси, 1992 йили Испаниянинг Барселона шаҳрида бўлиб ўтган Олимпиада мусобақаларида биринчи ўринни кўлга киритган Оксана Чусовитинага яна омад кулиб боқди.

АҚШда спорт гимнастикаси бўйича ташкиллаштирилган жаҳон чемпионатида катнашган Оксана Чусовитина таяниб сакраш бўйича барча рақибларидан кўра маҳоратлироқ эканлигини исбот қилиб биринчи ўринни эгаллади. Шуниси қувонарлики, ушбу нуфузли мусобақада олтин медални кўлга киритган Оксана энди 2004 йили Греция пойтахти Афинада ўтадиган ёғи Олимпиада ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

Тошкент шаҳар ҳокимияти
"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

"Севимли шаҳрим" аниқлиги доирасида
"Пойтахт-бизнинг нигоҳимизда"
тадбирларида энг яхши фотосуратларни
қўйиш-баҳолашни тўғри қилади.

Фототанлов уч йўналиш бўйича ўтказилади:
Кўҳна Тошкент;
Миллий қадриятлар;
Истиқлол нашидалари.

Фотосуратларни
Тошкент шаҳар, 700005,
Мовароуннаҳр кўчаси, 14
манзилга юборинг.

Ҳар бир иштирокчидан 4-тадан
кўп бўлмаган (алоҳида ёки туркум)
асар қабул қилинади, туркум ҳам
бир асардек қўрилади.

Энг яхши фотосуратлар
кин-пайтахт совғалар ва дипломлар
билан тақдирланади.

Маълумотлар ТТV телеканали, "Пойтахт-информ"
радиостанцияси, "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент",
газеталарида.

Севимли ШАҲРИМ

www.kashbistat.com.uz
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-39-03

ТАДБИРЛАР
Мустақиллик — улуғ неъмат

Яқинда «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор тумани бўлими, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорлигида «Мустақиллик — ўзликини аниқлаш демакдир» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

«Мевазор» маҳалласи гузарига Шотур сун Ғуломов, «Бўрижар», «2-Қатортол» маҳаллалари ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбир Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишланди.

Тадбирда фалсафа фанлари номзоди, профессор Самиг Раҳимов, туман ҳокими маслаҳатчиси Обид Аҳмедов ва «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими раиси Малоҳат Ортиқова сўзга чиқдилар.

Маҳалла оксоколлари ва фаоллари иштирокида ўтказилган тадбирда юрт тинчлиги, маҳалла ободлигини таъминлашда қилинаётган ишлар ҳақида гапирилди. Виждон эркинлиги, Ватан тўғрисида ёшларимиз онгидида шакллантириш кераклиги таъкидланди. Шунингдек, суҳбатда ўз ечимини топмаётган муаммолар, хато ва камчиликлар ҳусусида ҳам сўз борди.

Юлдуз УСМОН

Ёш шахматчилар беллашди

Энг улуғ шодиёна — Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида анъанавий тарзда ҳар йили спортнинг шахмат тури бўйича турнир ўтказилиб келинмакди.

«Ақл гимнастикаси» ҳисобланмиш ушбу спорт тури бўйича бу йилги мусобақа Абдуманноп Рауфов номи Олимпия заҳираларини тайёрлашга ихтисослашган болалар ва ўсмирлар 15-спорт мактабида бўлиб ўтди.

Қизгин ва муросасиз тарзда ўтказилган шахмат мусобақасида 104 нафар болалар катнашди ва ёш бўйича 5 та гуруҳга бўлиниб голиблик учун кураш олиб борди.

— Ушбу турнирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, ёшларимиз ўртасида шахмат турини оммавийлаштириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни танлаб олиш ва уларнинг қамолоти йўлида янада унумли ишларни олиб бориш. Мустақил Ўзбекистонимиз доирасида юксалтиришга ҳизмат қиладиган соғлом ва барқамол авлодни вояга етказишдир, — дейди шаҳар шахмат федерацияси бош котиби Тўлқин Қуканов.

8 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахматчилар шахмат тахтаси узра шиддатли, муросасиз дона сурдилар. Нуфузли ҳақам-

лар ҳайъати эса энг кучли деб топилган голибликлари аниқлади. Унга кўра 1-гуруҳдан 120-мактаб ўқувчиси, 10 ёшли шахматчи Ойбек Муслимов 1-ўринни кўлга киритди. 2-гуруҳдан яна шу мактаб ўқувчиси 12 ёшли Евгений Пак ёши бўйича 1-ўринга муносиб деб топилди. 3-гуруҳ ўқувчиси, 14 ёшли Сония Косянга ҳам омад кулиб қобик, у ҳам 1-ўринни


зabt этди. 4-гуруҳда эса қизлар дона суришиди ва 1-ўрин 166-мактаб ўқувчиси Настя Сухаруковага насиб этди. 5-гуруҳда 5-мактаб ўқувчиси Элёр Назиров ўз гуруҳи бўйича 1-ўринга муносиб деб топилди. Ёш шахматчиларга Андрей Мирзааҳмедов ва Азиза Расуловалар ҳақкамлик қилдилар.

Шахмат ишқибозлари томонидан қўлаб-қувватланган

ушбу турнир голиблари Фаҳрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шахмат тахтаси узра эгилиб ақлини пешлаб дона сураётган ёш, жажжи болажонларни кўрганда юрагинг беихтиёр фаҳрга тўлади. Келажагимиз ақли, билими, кенг тафаккурли ёшлар қўлида эканига ишонч ортади.

Шоира МУҲАМЕДОВА,
Садриддин АЗИЗОВ,
СУРАТЛАРДА: 15-мактабда бўлиб ўтган шахмат мусобақасидан лавҳалар.
Сергей Любич олган суратлар.



Шингил табассум

Дадаси билан циркка кетаётган бола ойнадан ўйчан қараб борарди. Дадаси уни саволга тўтди:

— Ҳа, ўғлим, нега ўйлаиб қолдинг?

— Цирк томошаси пайтида борди-ю шер қафасдан чиқиб кетиб, сизни еб қўйса, мен нечанчи трамвайда уйга кетаман?

— Азизим, биласизми, тўйимиздан аввал сизга бир нарсани айтиб қўйишим лозим: мен умум-

ман овқат пиширишни билмайман.

— Сира хавотирланманг, овқат пишириб овера бўлмайсиз. Ахир, мен пул топишни билмайман-да.

Йигит ва қиз шаҳар бўйлаб сайр қилишарди. Улар рестораннинг ёнидан ўтиб кетишарди-да қиз деди:

— Вой, бирам яхши ҳид келаяпти!

— Сена бу ҳид ёққан бўлса, истасанг шу ердан яна такрор ўтишимиз мумкин.



Сўзсиз сурат. Абдурашул Ҳақимов чизган расм.

Кора Қамиш 1/4 мавзесида 5 хонали уй сотилади.
Телефон: 48-25-77

1993 йил 4 мартда Ачилов Искандар Ҳўкурович номига берилган 08-01/22 524 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 133-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 бома табоқ офсет усунлида
босилади.
4204 нускада босилади. Қоғоз биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.
Намр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
10-қавми бўлиб рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишнигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси бошқоҳонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.